

Samarqand viloyat Adliya  
boshqarmasida

O'zbekiston Savdo - sanoat  
Palatasi tomonidan

**RO'YXATGA OLINGAN**

132 - sonli  
"24" dekabr 2004 yil



**TASDIQLANGAN**

16F - sonli buyruq  
"24" noyabr 2004 yil



**O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI  
SAMARQAND VILOYAT BOSHQARMASI  
NIZOMI**

Тошкент-2004

## 1. АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Ўзбекистон Савдо – саноат палатасининг Самарқанд вилоят бошқармаси (қуйида – «ҳудудий бошқарма») қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Самарқанд 6 адлия бошқармаси томонидан 2004 йил 22 декабр ойда 132 - сөн билан рўйхатга олинган Самарқанд вилоят Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистон Савдо – саноат палатаси Самарқанд вилоят бошқармаси Ўзбекистон Савдо – саноат палатаси (қуйида «Палата») тизимига кирувчи, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни ушбу ҳудудда самарали бажариш мақсадида Палата томонидан ташкил этилган мустақил юридик шахс ҳисобланади.

Ҳудудий бошқарманинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида – «O'zbekiston Savdo – sanoat palatasi Samarqand viloyat boshqarmasi»;

Рус тилида Управление Торгово-промышленной палаты Узбекистана Самаркандской области»;

1.3. Ҳудудий бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Нодавлат ноtijорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Палата Устави ҳамда ушбу Низом асосида амалга оширади.

1.4. Ҳудудий бошқарма юридик шахс ҳисобланади ва ўз тасарруфида бўлган мол – мулкка эгаллик қилади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридаги банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлари очиш, ҳар – хил битимлар, жумладан, ташқи савдо, кредит, қимматбаҳо қоғозлар бўйича шартномалар тузиш, Низомда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ҳўжалик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Ҳудудий бошқарма ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятлар олиши, судда, ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Ҳудудий бошқарма ўз мажбуриятлари бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлган мол – мулки билан жавоб беради.

Ҳудудий бошқармалар Палата ва унинг аъзолари мажбурияти юзасидан жавоб бермайди, шунингдек, Палата ва унинг аъзолари ҳам ҳудудий бошқарма мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Ҳудудий бошқарма Палата томонидан ушбу ҳудудда тузилган филиаллар мажбуриятлари бўйича қонунчиликка мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлган мол – мулки билан жавоб беради.

1.5. Бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун ушбу ҳудуддаги туман, шаҳарларда Палата томонидан очилган филиаллар ҳамда бошқа тузилмалари фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштириб боради.

1.6. Ҳудудий бошқарма ўзининг номи ёзилган муҳрга, Палата тизими учун умумий бўлган жамоавий товар белгига, рамзларга, расмий идора варақасига, штампга ва бошқа расмий далолат белгиларига эга бўлади.

Ҳудудий бошқарма фаолияти муддати чекланмаган.

Ҳудудий бошқарма манзили: Самарқанд шаҳар, М. Улугбек кўчаси, 148-уй.



## 2. ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

### 2.1. Ҳудудий бошқарма қуйидаги мақсадларда тузилади:

- Палата зиммасига юклатилган вазифаларни ушбу ҳудудда самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шароит яратиш;
- бизнес – муҳитни такомиллаштириш;
- республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишга кўмак бериш;
- маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш;
- тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун чет эл сармоясини кенг жалб этиш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётига, унинг жаҳон хўжалик тизимига уйғунлашишига, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакат тадбиркорлари билан савдо – сотиқ ва илмий – техник алоқаларини ўрнатиш;
- Палата аъзоларини бирлаштириш ва қўллаб – қувватлаш;
- тадбиркорлик субъектлари – Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- бозор инфратузилмасининг яхлит тизимини шакллантириш.

### 2.2. Ҳудудий бошқарма қуйидаги вазифаларни бажаради:

- тадбиркорликнинг, энг аввало кичик ва хусусий бизнеснинг жадал ривожланишига, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланишига, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга кўмаклашиш;
- тадбиркорларга хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, энг аввало кичик ва хусусий корхоналарни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун ҳудудга тўғридан – тўғри хорижий сармояларни жалб қилишда кўмаклашиш;
- Ўзбекистон тадбиркорлари делегацияларининг амалий ташрифларини ташкил этишда ва республикага хорижий тадбиркорларни таклиф қилишда, республикада ва чет элларда тадбиркорларнинг халқаро бизнес – анжуманлари, ишбилармонлар маҳсулотларининг савдо – саноат кўرғазмалари ва ярмаркаларини ўтказишда кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, ҳудуддаги ишлаб чиқарувчилар, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва инвестиция имкониятлари, шунингдек, бўлажак шериклар ва замонавий технологияларни харид қилиш имкониятларига оид ахборотни ўз ичига олган бизнес – каталоглар нашр этилишини йўлга қўйиш;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес юритишга оид халқаро меъёрлар ва амалиётни ҳудудда жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яхшилашга йўналтирилган

қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш чора — тадбирларини амалга ошириш;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жумладан рўйхатга олиш, маҳсулотини сертификатлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларини судларда кўриб чиқиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда ифода этиш ва ҳимоя қилиш;
- тадбиркорлик фаолиятига оид таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этишни қўллаб — қувватлаш;
- Палатага унинг томонидан чоп этиладиган газета, журнал ва бошқа матбуот маҳсулотларини тарқатишга ёрдам бериш;
- тадбиркорликни ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш ва хўжалик субъектлари фаолиятининг жамоатчилик назорати механизмларини амалга оширишда иштирок этиш;
- корхона ва ташкилотларнинг давлат регистри асосида ушбу ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг реестрини олиб бориш;
- хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни бартараф этишда ёрдам бериш;
- ушбу ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшганлик учун мукофотлаш тақдиротини ташкил этиш;
- ушбу ҳудудда Палата аъзолари ҳисобини юритиш;
- тадбиркорлик субъектларини Палатага аъзо бўлиб киришига кўмаклашиш;
- ушбу ҳудудда Палата номидан тузилган аъзолик шартномаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- амалдаги қонунчиликка ва Палата Уставига мувофиқ равишда бошқа вазифаларни бажариш.

### 3. ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

#### 3.1. Ҳудудий бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тадбиркорлик субъектлари манфаатларига дахлдор қонун лойиҳалари ва бошқа норматив — ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда Палата томонидан белгиланган тартибда иштирок этиш;
- Палата аъзолари — тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жумладан давлат ва хўжалик бошқарув органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш;
- ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари томонидан тузилган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига дахлдор масалалар бўйича идоралар, идоралараро ва бошқа комиссиялар, эксперт кенгашлари ва бошқа орган ва ташкилотларнинг ишларида иштирок этиш;
- тадбиркорлик субъектларига ихтиролар, фойдали андозалар, саноат намуналарига патент олиш, товарлар белгилари ва товарлар ишлаб чиқарилган жойларнинг номини рўйхатга олишда ёрдам бериш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектларига ахборот таъминоти, юридик ва маслаҳат ёрдами бериш ҳамда бошқа турдаги масалалар бўйича турли ёрдам ва кўмак бериш;



- ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш зарурати юзасидан Палата ва унинг тузилмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти органларидан ахборотлар олиш;
- замонавий талаб ва стандартлардан келиб чиқиб тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида ва бошқа давлатларда, Палата билан келишган ҳолда ташкилотлар тузиш;
- Палата аъзоларининг манфаатларига доир, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хатти – ҳаракатлари ёки қарорлари юзасидан судларга давлат божини тўлашдан озод бўлган ҳолда даъво аризаси билан мурожаат қилиш;
- хорижий мамлакатлар ва ташкилотлардан кредит йўналишларини жалб этиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига барча турдаги кредитлар ва бошқа маблағларни олишда ёрдам бериш;
- қонунчиликка мувофиқ Палата билан келишган ҳолда иқтисодий низоларни ҳал этиш учун ҳакамлик судлари тузиш;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарорлигига рейтинг баҳосини амалга ошириш, Ўзбекистонда ва хорижда ишончли ҳамкор бўлиши юзасидан молиявий ва иқтисодий ҳолатларидан гувоҳлик берадиган миллий ташкилотлар ва яқка тадбиркорларнинг ҳудудий реестрини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг бошқа реестрларини юритиш;
- миллий ва халқаро кўرғазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш ҳамда ўтказиш, нашриёт ва реклама хизматини кўрсатиш;
- миллий ва хорижий ташкилот ҳамда тадбиркорлик субъектлари топишириғи бўйича экспертиза, товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан, хом – ашё ва ускуналар сифати, сони ва бутлигини назоратини амалга ошириш;
- тушган маблағларни ушбу Низомда белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, шунингдек конкурслар ташкил этиш ва ўтказиш;
- тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаштиришни амалга ошириш;
- тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ҳужжатларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни амалга ошириш, таржимани тўғрилиги юзасидан гувоҳлик бериш;
- ушбу Низомда белгиланган вазифалари доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;
- Палата Ижро этувчи қўмитаси билан келишган ҳолда туман ва шаҳар филиалларини ташкил этиш;
- мустақил тарзда ўзининг фаолият юритиш услубини аниқлаш, таркибий тузилишини, штатлар жадвали, ходимлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби ва шакллари қонунда белгиланган тартибда белгилаш;
- Палата номидан тадбиркорлик субъектлари билан аъзолик шартномаларини имзолаш, ўзгартириш, бекор қилиш;
- қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Худудий бошқарма томонидан махсус рухсатнома (лицензия) талаб этувчи фаолият тури билан шуғулланиш бундай рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

#### 4. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

4.1. Худудий бошқарма ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк, жумладан, бинолар, иншоотлар, транспортлар, ускуналар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қорозлар, пул маблағлари, жумладан, чет эл валютаси, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эгалик қилади.

4.2. Худудий бошқарманинг мол-мулк ва даромад манбалари қуйидагилардан иборат:

- кириш ва аъзолик бадалларидан тушган маблағлардан Палата ажратмаси;
- хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган даромадлар;
- худудий бошқарма таъсис этган ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар;
- грантлар ва ҳомийлар маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

4.3. Самарқанд вилояти ҳудудида Палата номидан тузилган шартномага асосан тушадиган кириш ва аъзолик бадаллари, ушбу худудий бошқарманинг махсус ҳисоб рақамида жамланади ҳамда Палата Ижро этувчи қўмитаси Раиси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ тақсимланади.

4.4. Барча тушган маблағлар Палата Ижро этувчи қўмитаси белгилаган тартиб бўйича Палата ва унинг худудий тармоқлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурларини молиялаш, Низомда белгиланган бошқа вазифалар ва Палата аъзолари олдидаги бошқа шартнома мажбуриятларини бажариш, худудий бошқармани сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилади.

#### 5. ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

5.1. Худудий бошқарманинг раҳбар органи бўлиб белгиланган тартибда Палата Ижро этувчи қўмитаси Раиси томонидан лавозимига тайинланадиган ва овоз этиладиган Худудий бошқарма бошлиғи (кейинги ўринларда «бошлиқ») ҳисобланади. Бошлиқ ўз фаолияти юзасидан Палата Ижро этувчи қўмитаси олдида ҳисобдор.

5.2. Худудий бошқарма бошлиғи:

- Бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Палата қуриалтойи, Марказий Кенгаш, Ижро этувчи қўмитаси ва Ижро этувчи қўмита раиси қарорларини бажарилишини ташкил этади;
- Худудий бошқарма таркибини шакллантиради;
- Палата Марказий кенгашида, Ижро этувчи қўмита ва Ижро этувчи қўмита Раисига худудий бошқарма фаолиятига оид масалаларни кўриш учун киритади;
- Бошқарманинг ташкилий тузилмасини белгилайди;



- Бошқарма ходимларининг сони, меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва штатларни белгилайди;
- Палата Ижро этувчи қўмитасига туман, шаҳар филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тўғрисида таклиф киритади, шунингдек Палата Ижро этувчи қўмитаси билан келишган ҳолда уларни ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;
- Палатанинг ушбу ҳудуддаги туман, шаҳар филиалари ва бошқа тузилмаларининг фаолиятини назорат қилди ва мувофиқлаштиради;
- Ушбу ҳудудда жойлашган Палатанинг туман, шаҳар филиалари ва бошқа тузилмалари томонидан қабул қилинган амалдаги қонунларга ва Палата Уставига зид келадиган қарор ва буйруқларини бекор қилади;
- ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахслар вазифаси доирасини белгилайди;
- ишонч қорғосизис ҳудудий бошқарма номидан иш кўради ва унинг номидан юридик шахслар, фуқаролар ва халқаро ташкилотлар билан шартнома ва бошқа битимлар тузади;
- ҳудудий бошқарма ходимлари ва ушбу ҳудудда жойлашган шаҳар, туман филиаллари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойиш беради;
- ҳудудий бошқарма ҳузурида ташкил этиладиган корхоналар Устави, ҳудудий бошқармалар тузилмалари тўғрисидаги Низом ва ички меҳнат тартиб қоидалари ҳамда ҳудудий бошқарма фаолиятига оид бошқа асосий ҳужжатларни тасдиқлайди;
- туман, шаҳар филиалари, ҳудудий бошқармаларнинг тадбиркорликни қўллаб – қувватловчи ахборот – маслаҳат марказлари ва Палатанинг ушбу ҳудудда жойлашган бошқа тузилмаларининг молиявий – ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни амалга оширади;
- Палата Ижро этувчи қўмитаси билан келишган ҳолда ушбу ҳудуддаги Палата филиали бошлиғи ва ҳудудий бошқарманинг тадбиркорликни қўллаб – қувватловчи ахборот – маслаҳат марказларининг директорларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;
- қонунчилик, Палата Устави ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

Бошқарма бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифасини ўринбосари бажаради.

## **6. ҲУДУДИЙ БОШҚАРМА НИЗОМИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Ҳудудий бошқарма Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар Палата Ижро этувчи қўмитаси томонидан киритилади ва ҳудудий адлия бошқармаси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

## **7. ҲУДУДИЙ БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ**

7.1. Ҳудудий бошқарма фаолиятини тўхтатиш, Палата Ижро этувчи қўмитаси қарорига мувофиқ қайта ташкил этиш ёки тугатиш йўли билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.2. Ҳудудий бошқарма мулки унинг фаолияти Палата Ижро этувчи қўмитаси қарорига мувофиқ қайта тузилганда унинг ҳуқуқий ворисига ўтказилади, тугатилганда эса Палата Уставида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.



САМАРКАНД ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШКАРМАСИ  
ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ УСТАВИНИНГ ДАВЛАТ  
РУЙХАТИГА ОЛИНГАНЛИГИ ТУГРИСИДА

## ГУВОҲНОМА № 132

200 4 уй 22 декабр

Ташкилотнинг номи: Ўзбекистон Савдо-саноат  
Палатасининг Самарқанд вилоят ҳудудий  
бошқармаси

Бирлашнинг тури: вилоятга оид

Ташкилотнинг раҳбар органи (номи, манзили): Ўмумий йиғилиш  
Самарқанд ш. М. Улугбек кучаси, 148 уй

Фолиятнинг асосий мақсади: Палата ҳаммасига  
юклатилган вазифаларни вилоят ҳудудиде  
самарали амалга оширишнинг таъминлаш  
ҳамда ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш  
учун кулай шарт-шароитлар яратиш.

Самарқанд вилоят  
бошқармасининг



*A. M. Mardiyev*  
А. М. МАРДИЕВ

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

## СВИДЕТЕЛЬСТВО № 132

О ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАЦИИ УСТАВА  
ОБЩЕСТВЕННОГО ОБЪЕДИНЕНИЯ

«22» декабря 200 4 года

Название организации: Самаркандское территориальное  
управление торгово-промышленной Палаты  
Узбекистана

Вид организации: областная

Руководящий орган организации (наименование, адрес):  
Общее собрание

г. Самарканд, ул. М. Улугбека, 148

Основные цели деятельности: Выполнение целей и задач  
Палаты на территории области; поддержка и  
дальнейшее развитие частного предприниматель-  
ства.

Начальник управл.  
Самаркандской о



*A. M. Mardiyev*  
А. М. МАРДИЕВ